O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган	2000 йил 30 май, сешанба	№ 22 (174)	Сотувда эркин нархда

БУГУНГИ СОНДА:

Бола ёмон ўқийди. Хўш, бунга ким айбдор - ўқувчими, ўқитувчими? Ота-онами ёки қишлоқ шароити?..

(Махсус саҳифамиз мактаб ва таълим-тарбия мавзуида)

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТ

25-26 май кунлари Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, элчилар ва хорижий давлатлар дипломатик корпуси вакиллари, чет эл ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — Котибиятни ташкил этди ва кун тартибини тасдиқлади.

Сўнгра Олий Мажлис Раиси Э.Халилов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятидаги устувор жиҳатлари тўғрисида маъруза қилди.

Маърузачи Президент Ислом Каримов томонидан олға сурилган мамлакатимизни янги аср бўсағасида ва бошларида ривожлантиришнинг стратегик дастури мустаҳкам ҳуқуқий асосни тақозо этишини таъкидлаб ўтди. Миллий қонунчилик яқин йилларда жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётининг барча жабҳаларини янада эркинлаштириш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароит ҳамда кафолатлар яратишга йўналтирилган ҳолда тараққий этади. Шу муносабат билан Олий Мажлис фаолиятининг истиқбол дастурида нафақат янги қонунлар қабул қилиш, балки реал вазиятни ва амалиётни ҳисобга олган ҳолда мавжуд қонунларни такомиллаштириш кўзда тутилган. Айни пайтда, парламент, аввалгидек, қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларининг ижросига, жойларда уларнинг қўлланишини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилишга катта эътибор беради.

Парламент депутатлари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари парламентнинг сессияда кўрилаётган 2000-2002 йилларга мўлжалланган фаолиятининг устувор йўналишларини ўзида ифода қилувчи мазкур ҳужжатнинг муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Шу муносабат билан Президент белгиланаётган тадбирларни амалга оширишда, умуман, қонунчилик жараёнида депутатлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоатчилик ташкилотларининг фаол иштироки муҳим ўрин тутишини қайд этди.

Халқ депутатлари ўз мақсад ва вазифаларини аниқ тасаввур этиши, қабул қилинаётган қонунларда ҳар доим сайловчилар фикрини ҳисобга олиши ва ҳимоя қилиши лозим. Сиёсий партиялар фаолият дастурларини янада аниқ режалаштириб олиши ҳамда уни қонунчилик йўли билан изчил амалга оширишга эришиши керак. Улар олдида турган мақсад ягона, бироқ бу мақсадга эришиш йўллари турлича бўлиши мумкин.

Президент, шунингдек, қонунчилик фаолияти механизмини энг яхши хорижий парламентаризм тажрибасини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш муҳимлигини қайд этди. Бунинг учун, энг аввало, ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва кўриб чиқишнинг янада такомиллашган тартибини ишлаб чиқиш зарур. Энг муҳим қонун лойиҳалари бир неча бор қайта кўриб чиқилганидан сўнг қабул қилиниши лозим. Ислом Каримов парламент ишини такомиллаштириш зарурати тўғрисида гапирар экан, келажакда икки палатали Қонун чиқарувчи орган тузишни таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат мудофаа қудратини янада юксалтириш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги вазифалар, жамият ва давлат ҳаётининг бошқа масалаларига тўхталиб ўтди.

Депутатлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устуворлик жиҳатлари тўғрисида»ги ҳужжатни тасдиқлади.

Молия вазири Р. Азимов депутатларга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1999 йилдаги ва 2000 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисида ҳисобот берди. Бу масала бўйича парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадов қўшимча маъруза қилди.

Сессияда мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати ижроси тўғрисидаги ҳисобот юзасидан фикр мулоҳазалар билдирилди, Парламент Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1999 йилдаги ҳамда 2000 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллади.

Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М. Умаралиев депутатлар эътиборига «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ҳавола қилди. Ушбу масала юзасидан «Ўзтадбиркорбанк» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси С.Қамбаров сўзга чиқди.

Олий Мажлиснинг кечки йиғилишида депутатлар «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини муҳокамасини давом эттирди. Қонун депутатлар томонидан қабул қилинди.

Шундан сўнг Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари К.Йўлдошев «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди.

Қонун лойиҳаси муҳокамасидан сўнг Парламент Қонунни қабул қилди.

«Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси Қ. Жумабеков сессия муҳокамасига тақдим этди. Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раисининг ўринбосари Й. Жўраев ва бошқалар чиқишларидан сўнг бу Қонун ҳам қабул қилинди.

Шундан сўнг парламент Олий Мажлиснинг Фидокорлар миллий демократик партиясидан сайланган депутатлар фракциясини рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Депутатлар Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Н. Жўраевнинг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузасини тинглади.

Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонунни амалга ошириш баркамол ёш авлодни тарбиялаш ва халқаро миқёсдаги спортчиларни тайёрлашда муҳим ўрин тутишини қайд этди. Президент спорт ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиши, давлат ҳокимияти органлари, депутатлар, кенг жамоатчилик, энг аввало маҳаллаларнинг доимий эътиборида бўлиши лозимлигини таъкидлади. Ислом Каримов Ўзбекистон спортчиларининг халқаро мусобақалар, хусусан, Сиднейдаги ёзги Олимпиада ўйинларида муваффақиятли иштирок этиши мустақил Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрўси ва нуфузини янада оширишга хизмат қилишини айтди. Шу муносабат билан Президент мамлакатимиз футболини ривожлантириш, «Пахтакор» жамоаси шуҳратини тиклаш зарурлигига эътиборни қаратди.

Олий Мажлис янги таҳрирдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М. Умаралиев депутатлар эътиборига ҳавола қилди.

Ушбу масала юзасидан Президент Ислом Каримов сўзга чиқди.

Давлатимиз раҳбари мамлакат валюта захираларини тўлдиришнинг асосий манбаи ҳисобланган товарлар экспортини оширишга халақит берувчи барча тўсиқларни бартараф этиш зарурлигини таъкидлади.

Парламент янги таҳрирдаги қонун лойиҳасини тасдиқлади.

Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А. Аҳадов Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини сессия муҳокамасига тақдим этди. Қонун лойиҳаси муҳокамасидан сўнг депутатлар «Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунни янги таҳрирда қабул қилди.

Сессияда «Фуқаролар муҳофазаси тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси И. Собировнинг маърузаси ва бошқаларнинг чиқишларидан сўнг қонун қабул қилинди.

Депутатлар, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоиловнинг маърузасидан сўнг, айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритди.

Сессия котибияти раҳбари З. Охунов иккинчи чақириқ Олий Мажлис иккинчи сессиясига қилинган мурожаатлар тўғрисида ахборот берди.

Шундан сўнг, депутатлар Ўзбекистон Республикасининг БМТ Халқаро институтининг халқаро молиявий ижара (лизинг) тўғрисидаги хусусий ҳуқуқни бир хиллаштириш бўйича Конвенциясига қўшилиши ҳақида қарор қабул қилди. Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида терроризм, сиёсий ва диний экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик ва томонларнинг барқарорлиги ҳамда хавфсизлигига бошқа таҳдидларга қарши биргаликда курашиш тўғрисидаги Шартномаларни, нефт ва газни транспортировка қилиш давлатлараро тизимларини тузиш учун Институтционал асос тўғрисидаги рамкали битимни ратификация қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонлари ва Олий Мажлис Кенгаши Қарорларини тасдиқлади. Парламент А. Ҳабибуллаевни пенсияга чиқиши муносабати билан Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раислигидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилди, Ўзбекистон Республикасининг Олий суди ва Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритди. Олий хўжалик суди раиси этиб, М. Абдусаломов қайта сайланди.

Шундай қилиб, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессияси якунланди.

(ЎзА)

Самарқанд вилоят адлия бошқармасида

ҚОНУН АСОСИДА ХОЛИСЛИК БИЛАН

Самарқанд вилоят адлия бошқармасида «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»нинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Унда вилоят адлия бошқармаси, вилоят давлат солиқ бошқармаси, назорат идоралари раҳбарлари, шунингдек, туманлар солиқ инспекциялари масъул ходимлари иштирок этдилар.

Тақдимот маросимида Республика Президентининг Фармонлари, ҳукумат қарорлари ва амалдаги қонунлар асосида назорат ҳамда текширишни ташкил этиш, хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқлари, назорат қилувчи идоралар ваколатлари доирасида қатъий амал қилиш, қисқаси, назорату текширишларда қонунийлик, холислик ва ошкоралиқнинг таъминланиши зарурати масалалари муҳокама этилди.

Анжуманда шунингдек, муаммоли ва музокарали масалалар бўйича савол-жавоблар ҳам бўлиб ўтди.

О.ЭЛМУРОДОВ

Соғлом авлод орзуси

ЭЛНИНГ БАХТИ ДЕЯ ЁНГАН МАШЪАЛСАН!

«Акел» — истиқлол ниҳоли

Қадимда дунёдан ҳеч армони қолмаган донишманддан: «Оламда сиз ҳавас қиладиган бирор нарса борми?» деб сўраганларида, у: «Бола қалби!» дея хўрсинган экан.

ХХ аср спортининг энг ёрқин юлдузларидан бўлган Пеле футбол билан хайрлашаётиб, инсониятга хитоб билан: «Болаларни асранг!» деб ҳайқирган эди.

Қадим донишманд билан ХХ асрнинг футбол қиролини ўз мусаффо осмонида учраштириб турган бу сеҳрли дунё ҳаммамизга таниш оддий сўз билан «Болалик!» деб аталади. Ва эндиликда инсониятнинг бахти ҳам, келажаги ҳам кўп жиҳатдан болаларнинг тақдирига боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас.

Мустақил Ўзбекистонда болаларнинг бахти шундаки, истиқлолнинг энг сара ва ширин мевалари уларга аталган. Бунинг энг ёрқин мисоли минг йилликнинг сўнгги йилининг бевосита болаларга тегишли атамасида мужассам. Бирор замоннинг болаларга ва келажакка меҳрини бундан ортиқ тасаввур қилиш қийин.

Халқ таълими соҳасидаги дастлабки тадбиркорлардан бири сифатида 1997 йилда ташкил топган Тошкент шаҳар «Акел» болалар маркази (масъулияти чекланган жамият)нинг асосий мақсади Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишда ўз камтарона улуши билан қатнашишдан иборат. Марказ фаолияти йўналишларидан бири турли миллатга мансуб болаларни Ўзбекистон Республикаси Давлат тилида ўқитишни кўзда тутса, етакчи йўналиш Мустақиллик мафкурасига асосланган янги мактабгача таълим дастурлари яратишни мўлжалга олади. Жумладан, марказ томонидан ишлаб чиқилган ва мунджаримаси матбуотда эълон қилинган дастлабки дастур Ўзбекистоннинг Асосий Қонунида акс этган давлат рамзлари ва муқаддас Ватан тимсолларини ўзига хос ва болаларга мос усулда — ихчамгина шеърий «сабоқ»лар ёрдамида ўқитишни тавсия этади.

(Давоми 4-бетда)

***

Суратларда: тарбияланувчилар ҳаётидан лавҳалар.

БИЛИМЛИ ХАЛҚ ҚУДРАТЛИДИР

Талабалар ҳузурида

Президентимиз томонидан одилона асослаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 1997 йил 6 мартдаги 65/58-сонли қўшма буйруғи ва ушбу буйруқнинг 2-иловаси бўлган Республика талабалар олимпиадаси ҳақидаги низомга асосан яқинда Тошкент Давлат юридик институтида ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича Конституцион ҳуқуқ, Фуқаролик ҳуқуқи, Жиноят ҳуқуқи, Халқаро ҳуқуқ ва Мусулмон ҳуқуқи асослари ўқув фанларидан Республика талабалар олимпиадасининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг нуфузли олий ўқув юртларидан ташриф буюрган ёш ва иқтидорли ҳуқуқшунослар ўзаро беллашдилар.

Олимпиадани институт ректори, профессор Ҳалим Бобоев кириш сўзи билан очар экан, шундай деди:

- Биз ушбу учрашувни ниҳоятда орзиқиб кутган эдик. Негаки, бундай синов ва беллашувлар ҳуқуқий давлатимизнинг мустаҳкамланишига, билим савияларининг ўсишига, энг муҳими, ёш авлоднинг маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилади. Анжуманнинг барча иштирокчиларига яхши кайфият ва омад тилаймиз!..

Шундан кейин институтнинг илмий ишлар бўйича проректори, ҳакамлар ҳайъати раиси А.Раҳмонов йиғилганларни олимпиада дастури билан таништириб, иш жараёнини назорат қилиш комиссияси аъзоларини маълум қилди.

Беш фан йўналиши бўйича ўтказилган беллашувнинг якуний натижаларига кўра Беҳзод Мўминов (ИИА), Элдор Файзуллахўжаев, Ирода Жўраева, Шоҳида Қорахўжаева (ТДЮИ) ва Виктория Поставцевалар (ИИА) фахрли биринчи ўринни қўлга киритдилар. Иккинчи ўрин Мақсуд Маманов, Улуғбек Ханаев, Зарина Сулейманова (ТДЮИ) ва Улуғбек Муродов, Нигора Ҳамдамоваларга (ИИА) насиб этди. Муҳаммадилло Чўтбоев, Лазиз Жалов (ИИА), Жўрабек Ҳамидов (СамДУ), Беҳзод Маҳмудов (Гулистон) ҳамда Арслонбек Жанаков (Нукус)лар учинчи ўринга сазовор бўлдилар.

Умумкомандалар ўртасидаги мусобақаларда эса Тошкент Давлат юридик институти биринчи, Республика Ички ишлар Академияси иккинчи, Нукус Давлат Университети учинчи, Самарқанд ва Гулистон Давлат Университетлари тўртинчи ўринга муносиб кўрилди.



Илмий маърузалар бўйича ўтказилган ғолиблар танлови янада қизғин тус олди. Талабалар билимдон, сермулоҳаза ва ўткир фикр эгаси эканликларини рўй-рост кўрсатдилар. Улар орасидан ўринларга танлаб олиш оғир кечсада, лекин бу ҳол сафларимиз билимли, маърифатли, маънавиятли ёшлар билан тўлиб бораётганидан дарак беради. Илмий маърузаларда Дармонжон Азезова (ИИА), Шоира Ҳайдарова (ТДЮИ), Азат Саитов (Нукус) ғолиб бўлишди.

Қайсики халқнинг фикри теран, маънавияти юксак экан — ўша халқ қудратлидир. Ушбу олимпиададан кўзланган мақсад ҳам, қутилган натижа ҳам шунда эди. Бизни яратиш ва яшнатиш туйғуси ҳеч қачон тарк этмасин! Бирники мингга, мингники эса оламга татийди. Ғолибларга тўлсин бу дунё!

Гулчеҳра ХЎЖАНОВА,
Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси

ЖАМИЯТ РАВНАҚИНИНГ ГАРОВИ

уни амалда рўёбга чиқаришнинг бир воситаси сифатида текширувчиларнинг ўзларини текширишди

Қарор ва ижро

Мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий турмушини юксалтиришда Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан белгиланаётган тадбирлар, авваламбор, қабул қилинаётган Фармон ҳамда қарорларнинг аҳамияти катта. Истиқлол йилларида бозор муносабатлари халқимиз ҳаётининг мезони ва мазмунига айлангани, иқтисодий ва ижтимоий турмушни қайта қуришга қаратилган ислоҳотлар барча жабҳаларни қамраб олгани, тадбиркорлик ҳаракати мамлакат тараққиётини белгиловчи энг қудратли куч тимсолида намоён бўлгани, омма манфаатлари давлат манфаатларидан устун, дея эътироф этилаётгани ва мулкчиликнинг барча шаклларига ҳамма жойда кенг йўллар очиб берилгани ана шу тарихий ҳужжатларнинг ўрни ва ролини яққол акс эттиради.

Ҳаёт — мавж уриб оқаётган дарё, тўлқинланаётган денгиз. Бундай уммон узра дадил ва олға интилмоқ учун ишончли таянч ва жиловга эга бўлмоқ даркор. Биз ҳуқуқшунослар истиқболимизни мустаҳкамлаш йўлида ишлаб чиқилаётган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурлари, тамойиллари ва уларни ўзида мужассамлаштирган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ана шундай ишончли қўлланма, дастуриламалга қиёслаймиз.

«Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида» 2000 йил 17 февралда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарор ўз моҳияти ва аҳамиятига кўра тарихий муҳим ҳужжатларнинг бири бўлди. Мазкур қарорнинг ижроси мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракати қатнашчиларининг турли тазйиқ, таҳдид, сиқув, бюрократик тўсиқлардан холи равишда ҳалол ва самарали фаолият кўрсатиши кафолати эканига ҳеч кимда шак-шубҳа бўлмаслиги керак. Бир сўз билан айтганда, республика ҳукуматининг бу қарори тадбиркорларга баъзида ҳуда-беҳуда ёпишиб оладиган турли текширувчиларнинг ўзини текшириш, бу йўлдаги турфа хил тўсиқларни бартараф этиш ҳуқуқини берувчи бениҳоя катта таъсир кучига эга бўлган ҳужжатдир, десам янглишмайман.

Дарҳақиқат, қарор ижро тадбирлари билан кучли. Ижро масаласи эса шу кунларда ҳукуматимизнинг диққат марказида турганлиги ва тадбиркорлар ниҳоят ўзларини турли ноҳақликлардан холи ҳис этишлари мумкинлигини кичик бир мисол билан ифодалаб бермоқчиман.

Мазкур қарор эълон қилиниши билан вилоятимизга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг бир гуруҳ тажрибали мутахассислари, ҳуқуқшунос-амалиётчилардан иборат ваколатли комиссия ташриф буюрди. Комиссия кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши тасдиқлаган режага мувофиқ мазкур жабҳада ишбилармонлар, мулк эгалари ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги ишларнинг аҳволини батафсил ўрганиб чиқди. Уларга вилоят ҳокимлиги, адлия бошқармамиз ходимлари, жойлардаги ҳуқуқшунос мутахассислар фаол кўмак беришди. Энг муҳими, вазифаси тадбиркорликни қўллаш, ғамхўрлик ва раҳнамолик қилишдан иборат бўлган турли ташкилотларнинг мутасаддилари, раҳбар - «ёшулли»ларининг айрим номақбул ишлари комиссия эътиборидан четда ва пинҳоналигича қолмади. Ҳалол ва фидойиликни ўзига йўлдош билган кўп сонли тадбиркорларнинг хотирини жам қиладигани шуки, комиссия кимсан, кўпгина маҳаллий ҳокимликлар, уларга тобе идоралар, шунингдек, солиқ ва божхона маҳкамалари, ҳатто прокуратура идоларидаги ишларни ҳам кўздан кечирди.

Камчилик ва нуқсонларнинг кичиги ва икирчикири бўлмайди. Чунки йўл қўйиб берилса, кичиги каттага дўниши, яра газак олиши турган гап. Хўш, текширувчиларни текширишда нималар аён бўлди, дерсиз?

Маълум бўлдики, тадбиркорларни асосан солиқ ва уни ундириш билан шуғулланувчи даргоҳлардаги нокерак маъмуриятчиликлар, отангга бор, онангга бор қабилидаги сансоларликлар қийнаб қўймоқда. Хазорасп тумани ҳокимининг 1999 йил 22 август ва 29 сентябрда чиқарган 383 ҳамда 438 қарорларига биноан 1669 нафар тадбиркорга меъёридан зиёд миқдорда солиқлар тўлатилганлиги фикримиз ифодасидир.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 31 декабрдаги 554-сонли қарори 10-иловасида йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатаётган шахсларга юқори солиқ меъёрлари жорий этилмаслиги шарт қилиб кўрсатилган. Лекин туман солиқ «Давлат бюджетининг 2000 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари тўғрисида»ги мазкур қарор талабларини нотўғри қўллаши оқибатида шахсий автотранспорт эгаларидан 42 кишига солиқлар нотўғри белгиланган.

Солиқ қонунчилиги талабларини бузиш ҳоллари Урганч шаҳрида ҳам тез-тез учраяпти. Бу ерда аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатиб, якка тадбиркорлик билан шуғулланаётган 248 нафар жисмоний шахс ноўрин тарзда солиққа тортилган ва улардан жами 3,1 миллион сўм даромад пули ундирилган. Бундай тазйиққа юридик шахс мақомидаги тадбиркорлар ҳам дучор бўлишаяпти. Жумладан, «Шодиёна» кичик корхонаси солиқларни тўғри тўласа-да, унга 41150 сўм миқдорида қўшимча тўлов, 22920 сўмлик устама фоизлар ва 4210 сўм жарима белгиланган.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини бузиш ҳоллари ва вилоят давлат божхона бошқармасида ҳам дуч келинди. Бошқармасининг собиқ бошлиғи Б.Рўзиевнинг ўтган йил 20 январдаги қарорига кўра фуқаро О.Матназаров ҳе йўқ, бе йўқ битта айби учун иккита жазога рўпара этилган. «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодекснинг 227-моддасига асосан жазоланган етмагандай, Божхона Кодексининг 148-моддасига биноан 6600 сўмлик жаримага ҳам тортилган. Аниқландики, Божхона Кодекси мазкур моддасининг жавобгарга мутлақо алоқаси йўқ.

Одатда зиммадаги мажбуриятларга нисбатан оддий одамлардан бир масъулият талаб этилса, раҳбар, ишбошилардан 10 таси талаб этилади. Масаланинг бу жиҳати назарда тутилса, ҳокимликлар гарданидаги бурч, масъулият ва мажбуриятлар салмоғи яна ҳам катта. Тобе идоралардан ўтиб келган хато-нуқсонлар бу даргоҳга етганда тамомила барҳам топмоғи керак. Аммо Хонқа туманида раҳбарлик ва иш юритишнинг бундай талаб-тамойиллари ботбот бузилаяпти. Хато-нуқсонларга кимсан ҳокимликнинг ўзи йўл қўйиб бераяпти. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасида тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг аризаларини қараб чиқиш муддати ва муҳлатлари белгилаб берилган. Туманда қонуннинг ушбу талаби қўпол суратда бузилаётгани Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил июн ойида ўтказилган текширишдаёқ аниқланиб, уларни бартараф этишга эътибор қаратилган эди. Афсуски, хато-қусурлар бир ёқли қилинмади. Тўғрироғи, бунинг акси содир бўлди. Қонуннинг ҳокимлик даргоҳида бузилиши газак олди. Фуқаро Й.Аҳмедовнинг ал-Хоразмий номли жамоа хўжалиги ҳудудида ғишт заводи қуриш ҳақидаги аризаси белгиланганидан роппа-роса 7 ойу 6 кун, Х.Нуриев, Ш.Турдиев, З.Ботироваларнинг ишлаб чиқариш цехи, савдо ва маиший хизмат шохобчаларини қуришга қаратилган илтимосномалари 4 ойу 17 кун, Б.Ражабов, О.Латипов, А.Сотимов, О.Ҳожиматов, Х.Отабоев, И.Каримов, С.Зарипов, Х.Абдуллаевларнинг тадбиркорликка изн бериш бўйича мурожаатномалари 3 ой 14 кун, Р.Алимованинг хусусий дорихона очишга қаратилган талабномаси 4 ой 15 кун, О.Ёқубовнинг тўқувчилик ва гуруч ишлаб чиқариш корхонаси қурилишига ер майдони ажратиш бўйича йўллаган сўровномаси 2 ой 18 кун ўтгандан кейин қараб чиқилгани нуқсонларнинг бири ўнга дўнгани эмасми? Ҳокимликнинг фермер-деҳқон хўжаликларини ташкил этиш, уларга ер ва экин майдонлари ажратиш борасидаги фаолияти ҳам бундан беш эмас. Шу каби кўримсиз вазиятни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида» 1998 йил 19 ноябрда қабул қилган Фармони ижросига бўлган муносабатда ҳам кўриш мумкин. Туман давлат солиқ маҳкамаси шу йил 4 январда назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссияга мурожаат қилиб, тадбиркорлик билан шуғулланувчи 4 нафар юридик шахснинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилишга рухсат сўраган. Комиссия эса масалани қараб чиқишга шошилмаган. Оқибатда текширишни ўтказиш юзасидан аввал белгиланган режа асоссиз равишда орқага сурилган. Январ ойига мўлжалланган ишлар февралдагина амалга оширилган.

Тадбиркорлик ҳаракатига бўлган бу сингари юзаки ва беписанд муносабатни афсуски бошқа мутасадди идораларда ҳам кўрасиз. Аммо шуни ҳам унутмаслик керакки, замона зўрники эмас. Тадбиркорлик ҳаракатига Президентимизнинг ўзи, республика ҳукумати раҳнамолик қилаяпти. Мўътабар қонунларимиз ҳам тадбиркорни қўллайди.

Тадбиркорлик — жамият равнақи гарови. Мулкчилик ва манфаатдорликни ҳалол тарзда кўзлаганларгина тадбиркор мақомига етишадилар. Қонуний фаолият — улар учун манфаатдорлик калити. Ана шундай ақидани дилга жо этганлар ҳамиша жон куйдириб ишлашади, соғлом рақобатга интилишади, эл-юрт тўйсагина ўзлари ҳам тўйишини дилдан туюшади. Юқори унумдорлик, сифат ва самара-тадбиркорликнинг бош шарти ва шиори.

Мамлакатимизда ҳалол тадбиркорлик, ишбилармонлик, омилкорлик билан йўғрилган мулкчилик ва манфаатдорликка кенг йўл сиёсати амал қилаяпти. Жойлардаги ҳокимлик ва бошқа мутасадди маҳкамаларнинг фаолияти ана шу сиёсатнинг ижобати, тантанасини собит туриб таъминлашдан иборат бўлмоғи даркор.

Омонбой ОЛЛОЁРОВ,
Хоразм вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Талаба ва ҳуқуқ

ЎЗ ҲУҚУҚИНИ БИЛМОҚ-ЎЗЛИКНИ АНГЛАМОҚ...

Ўзликни англамоқ тушунчаси тор маънода инсон ўз-ўзини ўрганиши, аён ва ноаён хислат ва фазилатларини имкон қадар тушуниб етмоқ даражасига дахлдор бўлса, кенг маънода ўзликни англаш ўзгалар олами дарчасидан бўйламоқ ва бошқаларни ҳам ўзи қадар тушунмоқ ва қадрламоқ каби ижтимоий тушунчаларга бориб тақалади. Бу тушунча инсон боласи онгига, айниқса, ёшлик пайтидан сингдириб борилса, тошга ўйиб ёзилган ёзув каби мустаҳкам ўрнашади. Маънан ва ахлоқан баркамолликка дахлдор бу тушунча ҳақидаги суҳбатимиз Шаҳрисабз қишлоқ хўжалиги коллежининг директори Толиб АЛИМОВ ҳузурида бошланди.

- Коллежимиз вилоятдаги қишлоқ хўжалиги бўйича ўрта махсус маълумотли малакали кадрлар тайёрлашга ихтисослашган энг кекса билим масканларидан бири. Айни кунда билим юртимизнинг кундузги бўлимларида 1042 талаба таҳсил олмоқда.

Ҳуқуқий тарбияга оид ишларимиз, энг аввало, мамлакатимиз бош қомуси - Конституциямиз талаб ва эҳтиёжлари асосида ва қолаверса, турмуш тарзимизнинг адолат мезонлари бўлган Қонун ва қарорларимизнинг мазмун-моҳиятини синчиклаб ўрганиш, уларга қатъий амал қилиш тушунчаларини мунтазам шакллантириш йўсинида бошлаб, уларни изчил давом эттираяпмиз. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлигининг «Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари ва ўқувчилари ўртасида жамоат тартибини сақлаш ҳамда турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тўғрисида»ги қўшма буйруғига асосан коллеж маъмуриятининг тадбир ва режалари асосида олиб борилмоқда. Ўқув йили бошида «Экология ва саломатлик», «Экология ва гиёҳвандлик» ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш мавзуларида қатор суҳбатлар, қонун ва ҳуқуқ назорати посбонлари билан қатор учрашувлар ўтказдик. Талабалар ўртасида «Ҳуқуқингизни биласизми?» кўрик-танлови ўтказиш эса бизда доимий анъанага айланиб қолган. Ҳуқуқий мавзуда «бўлимлар» ўртасида ўтказилган очиқ мулоқотлар, давра суҳбатлари ўтказилиб, улар талабаларнинг ҳуқуқий билим даражасини аниқлаш ва юқори даражага кўтаришга қаратилди. «Турон» гуруҳининг экстремистик ҳолатларни фош этувчи суҳбат ва саҳнавий кўринишлар намойиши, туман «Камолот» ёшлар жамғармаси, ички ишлар бўлими, туман прокуратураси вакиллари билан учрашув ва суҳбатлар ўтказилди.

Бу соҳадаги вазифаларни талабалар онгига сингдиришда ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилари Шарифа Пўлатова, Олим Алиқуловларнинг хизмати катта. Мақсадимиз ҳар бир талаба ўз ҳуқуқини яхши билсин ва ўзгалар ҳуқуқини қадрласин!..

Ғози РАҲМОН,
«Инсон ва қонун» мухбири

Орзиқиш

МАКТАБИМНИ ҚЎМСАЙМАН

Куни кеча республикамизнинг барча турдаги умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув йилининг якуни муносабати билан сўнгги қўнғироқ чалинди. Ушбу кунда байрамона кайфиятда, кўчаларда тўп-тўп бўлиб юрган битирувчи йигит-қизларни кўриб, беихтиёр ўқувчилик йилларим хотирамга тушди.

Ҳали-ҳануз ёдимда. Ҳамма болалар сингари мактаб остонасига илк бор қадам қўйиб, «Энди мен ҳам ўқувчиман» деган туйғуни ҳис қилганларим. Эсимда синф деворларидаги турли хил суратларни бир-бирига кўрсатиб, ўзаро шовқин-сурон кўтараётган нотаниш тенгқурларим билан тортиниб, қимтиниб, пичирлашиб танишганларим. Айниқса, синф эшиги очилиб, очиқ чеҳра, қалбидаги меҳр нурлари юзларида порлаб турган аёл — биринчи муаллимамизнинг кириб келганлари худди кечагидек кўз ўнгимда.

Йиллар ўтган сайин мактабдан олган билимларимизу қилган шўхликларимизнинг ниҳояси борлиги ҳақида ҳатто тасаввур қилишни ҳам ўйламасдик. Мана, йиллар ҳам оқар дарё каби оқди-кетди. Биз шунчалар зориқиб, энтиқиб кутган дамлар, яъни сўнгги қўнғироқ ҳам етиб келди. Гарчи ушбу дамларни сабрсизлик билан кутиб, хайрлашув оқшомини байрамона кайфиятда кечиши учун ойлаб тайёргарлик кўрсак-да, айни дам етиб келганда мактаб ҳовлисининг тўрт томонига ўрнатилган карнайлардан таралаётган шўх мусиқа садоси ҳам кўнгилга сиғмас, гўёки шўх яллаларга жўр бўлган ҳолда худди «Яхши бор, эй, азиз ўқувчим! Хайр энди, унутма бизни!» деяётгандек туюлаверар эди.

Гарчанд синфдошларимиз ҳам бир-бирига сездирмаган ҳолда кўзларидан чиқаётган қувонч, ёшларини тийишга ҳарчанд уринмасинлар барибир уддасидан чиқа олмасдилар. Мен ҳам ўз навбатида устозларим ҳамда синфдошларимга худди уларни илк ва сўнгги бор кўраётгандек тўйиб-тўйиб боқардим. Ён-атрофга секин назар ташлаб мактаб ҳовлисини тўлдириб, шўхликлари ила оламга сиғмай сўнгги қўнғироқ байрамини ўзига хос гаштидан, кайфиятидан завқланиб, чопқиллаб юрган қуйи синф ўқувчиларини кузатар эканман, беихтиёр «Йўқ, мен катта бўлишни истамайман, жонажон, қадрдон мактабимни тарк этолмайман», деган фикр тинмай хаёлимдан кечарди. Қани энди ҳолироқ, кимсасиз жой топсаму дилимдаги бутун нотаниш ғуборларни ювиб, тўйиб йиғлаб олсам... Қани энди устозим келса-ю, «келаси ўқув йилида кўришгунча» десалар...

Бу энди ушалмас, лекин қачонлардир етишган орзуим эди. Энди биз мактаб ҳаётидан ҳаёт мактаби томон илк дадил қадамларимизни ташладик.

Орадан йиллар ўтиб борди. Синфдошларим орасида ким иқтисодчи, ким шифокор, ким тарбиячи, ҳуллас, қарийб уларнинг ҳаммаси ҳаётда ўз ўрниларига эга инсонлар бўлиб етишди. Лекин ҳали-ҳамон кўча-кўйда бехосдан учрашиб қолсак, мактаб даврларини қўмсаб, бир йиғилишни режалаштирамиз. Аммо бунга кимнинг вақти бор, кимнинг вақти йўқ. Шунинг учун ҳам азиз ука ва сингилларимга бу ғанимат дамлар қадрига етинглар, дегим келади...

Нигора ТУРСУНЗОДА

Таассуф! Мақола Сурхондарё вилояти судининг қолаверса, Жарқўрғон тумани судининг айрим судьялари фаолияти оқибатида келиб чиққан сарсонгарчиликлар ҳақида.

Таҳририятимизга мурожаат қилган Абдурасул Норматов икки укаси, опасининг эри, яъни поччаси Бўрон Шайманов ва яна бир неча киши бўлиб, мустақиллигимиз берган имкониятлардан фойдаланиб, 1992 йил 27 майда хусусий корхона очди. Поччасига ва опасига иззат-икром рамзи сифатида корхонага яхши ният билан ҳожи бобо — Бўрон Шаймановнинг номини бериб, «Бўрон» деб аташди. Абдурасул укалари билан кўлини кўксига қўйиб, поччасини корхонага директор этиб сайлашди. Поччаси ҳам, опаси ҳам, Абдурасулнинг ўзи-ю, укалари ҳам хурсанд.

Хусусий корхонанинг низомига асосан мулк эгалари Абдурасул Норматов 60 фоиз, Абдурашид ва Абдуваҳоб Норматовлар 10 фоиздан, поччаси Бўрон Шайманов эса 20 фоизлик улуш қўшиб иш бошладилар. Ҳаммаси юришиб кетди. Тумандаги «Наргиз» ателъесини дастлаб ижарага, кейинроқ сотиб олишди. «Бизнес фонд»дан 810 минг сўм қарз олиб, тикув машиналари, чорвачиликни ривожлантириш мақсадида чўчқахона биносини ва бошқа инвентарлар сотиб олишди. Иш қизигандан-қизиб кетди.

Аммо кўп ўтмай, Б.Шайманов ҳунар кўрсата бошлади. Банкдан бемаслаҳат пул олиб, ўз ҳолича ишлатадиган, айрим товарлардан тушган даромадларни яширадиган, баъзан нақд пулни ўзлаштирадиган қилиқ чиқарди. Улар биргалашиб поччасининг бу одатини бир-икки яхшиликча тушунтиришди. Ҳожи бобо хотини, яъни Абдурасулнинг опаси касаллигини, унга кўп сарф-харажат кетаётганлигини важ қилди. Ноилож, опа-укачилик — минг йилчилик. Эт билан тирноқни ажратиб бўлармиди?! Индашмади. Кўп ўтмай, Абдурасулнинг опаси дунёдан кўз юмди. Ҳамма эзилди. Бироқ иш ишда. Почча турмуш ўртоғининг ўлимидан кейин ҳам хурмача қилиғини қўймади. Иш орқага кета бошлади. Қарзлар пайдо бўлди. Почча қайниларни «юзингда кўзинг борми» демай, ҳақоратга, таҳқирлашга ўтди.

Иззат-нафси ҳақоратланган, корхонаси таназзулга юз тута бошлаган ака-укалар корхонанинг бошқа аъзолари билан умумий йиғилиш ўтказишди ва Бўрон Шаймановни директорлик вазифасидан бўшатиб, банкка ўтадиган имзосини ҳам бекор қилишди. Умумийғилишда жамоа мулки учун 60 фоиз улуш қўшган Абдурасул Норматов директорликка сайланди. Банкка унинг имзоси ўтадиган бўлди. Аммо ҳожи бобо корхона аъзолигидан четлатилмади, раҳм қилишди.

Амалидан айрилган, имкониятлардан маҳрум бўлган поччанинг қаҳри қўзғалди. А.Норматов устидан туҳмат ва бўҳтондан иборат шикоятлар турли идораларга жўнатилди. Ҳаммасининг тинчи йўқолди. Текшир-текшир бошланди. Ишдан кўнгли совиган корхона аъзолари қўлни қўлтиққа уришди. Хуллас, текшириш ҳам якун топди. Туҳмат туҳматлигича қолди. Адолат қарор топди. Бироқ ҳеч кимнинг қўли ишга бормай, ҳамма тарқаб кета бошлади. Ҳожи бобо эса корхонага қайтариши лозим бўлган пул ва маҳсулотларни, «Дамас» машинасини худди ўзиникидек тасарруф қиларди.

Жамоа бир бўлиб, ҳожи бобони инсофга чақиришди. У кўнмади. Жамоа мулк ва ҳақини талаб этиб, судга мурожаат қилишди. 1998 йил 13 октябрда Жарқўрғон туман суди судьяси А.Рўзиқулов раислигида фуқаролик иши кўрилиб, А.Норматов фойдасига ҳал қилув қарори чиқарилди. Ҳамма чалкашлик, ҳамма норозилик шундан бошланди.

«СОПҚОНЧИ»ЛАР

Ёхуд 20 ойдан буён ижросини топмаган суд қарори ва чўчқахона биносини талаган «почча»нинг кирдикорлари хусусида

Тўғри, суд қарорига кўра А.Норматов ҳақ эди. Аммо судда ана шу ҳақ киши — А.Норматовнинг ҳамма ҳақ-ҳуқуклари тўла ҳимоя қилиндими? Сопқоннинг «бетга» теккан жойи шу бўлди. Келинг, масалага янада ойдинлик киритайлик.

А.Норматов қарзларни тўлаш, корхона аъзоларининг улушларини бериш, ишни янада жонлантириш учун маҳсулот ва техника сотиб олиш мақсадида туман ҳокимининг 1997 йил 12 сентябридаги 599-сонли қарорига асосан корхонага тегишли бўлган «Наргиз» ателъесини Ўзбекистон Республикаси Миллий банкининг Жарқўрғон филиалига 4 миллион 500 минг сўмга сотади. Демак, 4.500.000 сўмдан:

1.170.000 сўмни 1996 йил 12 июнда 2 йилга «Бизнес фонд»дан олган 810.000 сўмлик қарзи учун ўтказиб берилган.

270.000 сўмни маиший хизмат кўрсатиш уюшмасига 6 фоизли ажратма учун;

180.000 сўмни солиқ ва бошқа тўловлар учун;

200.000 сўмни «Солия ая» фирмасига;

150.000 сўмни «Фурқат» фирмасига;

200.000 сўмни «Минор» савдо бирлашмасига;

500.000 «Шифо» фирмасига, жами бўлиб

2 миллион 670 минг сўм пул ўтказилган. Шундан қолган 1 миллион 13 минг сўмга «Дамас» автомашинаси, 700 минг сўмга ҳар бир килограмми 280 сўмдан 2.500 килограмм полиэтилен пленкаси сотиб олинган эди. Корхона ҳисобида қолган пул ҳам қонуний сарфланган.

Бироқ корхонага қайтарилиши лозим бўлган 3 миллион 103 минг сўмлик маблағга Б.Шайманов зўравонлик билан ноқонуний эгалик қилмоқда. А.Норматов эса шу маблағни Б.Шаймановнинг 20 фоизлик улушини, яъни 620 минг 600 сўмни олиб, қолган 2 миллион 483 минг 600 сўмни қайтариб беришни талаб қилмоқда. (Туман судининг 1998 йил 13 октябридаги ҳал қилув қарорида бу сумма 3 миллион 190 минг сўм, Б.Шаймановнинг улуши эса 600 минг сўм деб кўрсатилган). Туман суди мазкур ҳал қилув қарорида 3 миллион 190 минг (аслида 3 миллион 103 минг) сўмдан А.Норматовга фақат 1 миллион 13 минг сўмлик «Дамас» машинасини натура сифатида қайтариб, қолган қисмини «зўравон» Б.Шаймановда қолдирган. Эмишки, А.Норматов «Дамас»дан бошқа ҳамма даъводан воз кечганмиш.

Қизиқ савол туғилади. Судда ким даъвогару ким жавобгар? Кимдан-ким қанча ҳақ талаб қилаяпти-ю, суд кимни ҳимоя қилаяпти? Шундай қилиб, умум маблағида 20 фоизлик улуши бор Б.Шайманов суд қарорига кўра 3 миллион 103 минг сўмдан 620 минг 600 сўм ўрнига нақд 2 миллион 90 минг сўмга эга бўлиб, укалари билан бирга 80 фоизлик улуш қўшган А.Норматов эса 2 миллион 90 минг сўм ўрнига 1 миллион 13 минг сўм олса, қани адолат? Юқорида таъкидлаганимиздек сопқоннинг «бетга» теккани шу бўлди.

Б.Шайманов бу қарордан норози бўлиб, вилоят судига кассация шикояти ёзди. Унда кўрсатилишича, А.Норматовда суд қарорида кўрсатилганидан ташқари 42.823 сўмлик тикув машиналари ва 25 миллион сўмлик чўчқахона биноси ҳам қолаётган эмиш. Вилоят суди бу шикоятни ва прокурор протестини қўллаб, туман суди қарорини бекор қилди. 1998 йил 4 декабрда ишни бутунлай бошқа суд таркибида кўриб чиқиш учун яна Жарқўрғон туман судига юборди. Иш чўзилиб кетди.

Хуллас, орадан яна 13 ой ўтиб, 2000 йил 29-31 январда ҳар икки тарафнинг даъвоси «ҳарқалай» кўриб чиқилди. Қисқаси А.Норматов фойдасига «Дамас» автомашинасини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 1 миллион 450 минг сўм ундирилиши ҳақида қарор чиқарди. Сопқоннинг «кетга» теккан жойи шу бўлди.

Мана, орадан яна 4 ой ўтди. На ижродан, на ундириладиган ҳақ ва на «Дамас»дан дарак бор. Суд ижрочисига қатнайвериб, А.Норматовнинг тиндаси қуриди. Ижрочининг айтишича, орадан 4 ой ўтса-да, «Дамас» автомашинасини «арест» қилиб қўйгандан кейин ҳам 5 кун туриши керак экан. А.Норматов чидамади. Таҳририятга мурожаат қилди.

Унинг йўллаган шикоят хатидан айрим кўчирмалар: ***«Поччам Б.Шайманов менга даъво қилганидек, мен ва укаларимда на тикув машиналари ва на чўчқахонанинг сотилмаган қисми қолди. Ҳаммасини поччам талон-тарож қилиб бўлган...»***

Шу ерда яна бир аниқлик киритайлик. 2000 йил 29-31 январда бўлиб ўтган Жарқўрғон туман суди жараёнида «Бўрон» хусусий корхонасининг умумий мулки ҳисобланмиш тикув машиналари ва сотилмай қолган чўчқахона биносининг аниқ қиймати ҳисобга олинмаган. Суд негадир Шайманов қўлида турган:

1.250.000 сўм ҳар килограмми 500 сўмдан бўлган 2500 килограмм полиэтилен пленкаси;

2.40.000 сўмлик «Минор» савдо фирмасидан қайтариб олинган НДС ва устама нарх билан ҳисобланган товарлар;

1.560.000 сўмлик кира ҳақидан, яъни 1997 йил декабр ойидан буён такси хизматига чиқарилган «Дамас» билан кунига 2000 сўмдан ойига 60.000 сўм ва 26 ойга жами 1.560.000 сўмлик кира ҳақи;

1.013.000 сўм 1997 йил 12 сентябр баҳоси билан сотиб олинган «Дамас» автомашинаси;

7.730.000 сўмлик бузиб кетилган чўчқахона биноси;

1.507.000 сўмлик 1993 йил 1 октябр актидаги баҳоси билан талон-тарож қилинган инвентарлар мутлақо ҳисобга олинмаган.

Буларни қўшиб-чатиб кимга қанча 20 фоизлик улуш, кимга қанча 80 фоизлик улушдан ажратиб бериш судга қийин эмасди. Юқорида таъкидлаганимиздек, сопқоннинг «кетга» теккан жойи шу бўлди.

Хуллас, яна А.Норматовнинг шикоятидан бир шингил: ***«Менга даъво қилинаётган 25 миллион сўмлик чўчқахона биносини 1994 йил 23 июнда 8 миллион сўмга сотиб олган эдик. Унинг бир қисмини 270 минг сўмга сотган эдик. Қолган 7 миллион 730 минг сўмлик қисми турган эди. Иккинчи суд қарорига қадар поччам ҳожи бобо — Бўрон Шайманов ўз командаси — Нормўмин, Исмоил, Ғофир, Ўктам Шаймановлар, Шопўлат Абдуназаров ва ака-ука Чори, Ҳусан Бобоқуловлар билан 7 миллион 730 минг сўмлик чўчқахона биносини ҳам бузиб, олиб кетишди. Чўчқа-ку, мусулмончиликда ҳаром ҳисобланади. Аммо поччам ҳожи бобо Шаймановнинг 3 йилдан буён қилаётган барча қилмишлари ҳалолми?»***

Мухтасар қилиб, А.Норматовнинг шикоят хатида келтирилган сўнгги жумла билан мақолага нуқта қўйдик. Энди бу савол ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларидан ҳам аниқ жавоб кутамиз.

Саҳобиддин СИРОЖИДДИНОВ,
шикоятлар билан ишлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш бўлими мудири

Жиноят ва жазо

ЎҒИРЛИК МОЛ БУЮРМАЙДИ

Ўзганинг мулкига кўз олайтириб, уни қўлга киритиб, бой-бадавлат бўлиб, роҳат-фароғатда яшаган кимсани ҳеч ким кўрмаган. Шунинг учун ҳам халқимиз «Қиғир ишнинг охири вой», деб бежиз айтмаган. Ўғирлик мол, оддийроқ қилиб айтганда, албатта, тешиб чиқади.

Ўтган йилнинг ёз кунларида Китоб тумани «Асалари» пайчилик жамияти омборхонаси яқинида боғлоқлик турган Баҳодир Шариповга қарашли қўғир тусдаги ғунажин тўсатдан ғойиб бўлиб қолди. Мол эгаси Б.Шариповнинг зир югуриб, қидирмаган жойи қолмади. Бўлган воқеани уйдагиларига келиб айтгач, отаси Воҳид ака сўнгги пайтларда мол ўғрилари кўпайганлигини билиб, ўзлари яшаб турган участка вакилига ўғирлик содир этилгани тўғрисида хабар етказади. Шу заҳоти участка вакилининг эсига дўкон орқасида боғлаб қўйилган молни «ЕрАЗ» машинасига ортиб кетган номаълум кимсалар тушади. Молнинг қандай тусдалигини, қанақа арқон боғланганлигини суриштиради. Ана шундан сўнг калаванинг бир учи топилгандай бўлади.

Зокир Исмоиловнинг уйига таниши Озод Ғаффоров 4000 сўм қарзини сўраб келади. Шундан сўнг Зокир бошқа бир оғайниси - Баҳодир Хуррамовга илгарироқ ўн минг сўм қарз берганлигини, шуни олган заҳоти тўрт минг сўмини қайтаришини айтади. Улар Баҳодирни Шаҳрисабз шаҳридаги «Янги почта» бекатида «Газ-24» русумли енгил автомашинасида мижоз кутиб турган пайтда учратиб қолишади. Зокир ундан «Ўн минг сўм қарзни қачон қайтарасан», деб сўрайди.

- Сабр қилиб тур, пулингни якшанба куни бераман, - дейди у. Шунда:

- Унда бир иш қилсак, бензининг борми, - деб сўрайди Зокир.

- Бензиним камроқ эди, нимайди?

- Ўн литр бензин ўзим топиб бераман. Машинангда Китоб туманининг Наримон қишлоғигача бориб келамиз, қаровсиз қолган қўй ёки мол бўлса, олиб келиб сотамиз.

Зокирнинг бундай таклифини эшитган Баҳодирнинг кўнгли ёришгандай бўлади ва дарров мақсадга кўчади.

- Майли гап йўқ, мабодо қўй ёки мол топилгудек бўлса, ҳалиги ўн минг сўмингдан кечасан, бўптими?

Ниҳоят, масала шу ернинг ўзида ҳал этилгач, улар йўлга тушадилар. Наримон қишлоғига томон кетаверишда, улар йўл атрофларига, қир ва адирларга олазарак бўлиб қараб бораверадилар. Иш улар кутганчалик бўлиб чиқмади. Бирорта қаровсиз мол учрамади. Улар ўша ерда каналда чўмилиб, орқага қайтаётганларида «Асалари» пайчилик жамияти омборхонаси олдида боғлиқ турган ғунажинни кўриб қолишади. У ёқ, бу ёққа аланглаб, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, ғунажинни қозиғидан бўшатиб, машинага жойлаштирадилар. Тайёр «ўлжа»ни қўлга киритган шоввозлар машинага ўтириб, жўнаб қолдилар.

Машина Каромат Рустамова номидаги жамоа ширкат хўжалигига қарашли Кўсам қишлоғига етганида Давлат автомобил назорати ходимлари тўхташ ишорасини қилади. «Иллати борнинг оёғи қалтирайди», деганларидек, Баҳодир Хуррамов машинасини анча олисроққа, муюлишга бориб тўхтатади. Улар вақтни бой бермаслик учун дарҳол ўғирланган ғунажинни машинадан туширириб, шу ердаги дўкон орқасига ўтиб, дарахтга боғлаб қўйишади. ДАН ходимлари ҳайдовчини машинаси билан Китоб тумани ички ишлар бўлимига олиб кетади. Зокир билан Озод йўловчи машинада унинг орқасидан бўлимга етиб келадилар. «Ҳужжатларимни олиб келсам, машинани қайтариб беришаркан», дейди Баҳодир ҳамтовоқларига. Улар учовлон бўлиб, Шаҳрисабзга жўнайдилар ва машинанинг ҳужжатларини олиб келиб кўрсатиб, машинани олиб чиқишгач, «ЕрАЗ» автомашинаси ҳайдовчиси билан келишиб, ғунажинни Шаҳрисабз туманига Зокирнинг уйигача келтириб қўйишга қарор қиладилар. «Уч оғайни ботир»лар дўкон орқасига ўтиб, ғунажиннинг арқонини ечаётганида дўкон қоровули Акрам Иброҳимов «Бу мол сизларники эдими?» деб сўрайди. Шунда улар мол ўзларига тегишли эканлигини, ҳужжатлар уйда қолиб кетгани учун машинани ДАН ходимлари туман ички ишлар бўлимига олиб кетишгани сабабли ғунажинни шу ерга вақтинча боғлаб қўйишга мажбур бўлганликларини айтиб, қоровулни алдашади.

Улар дастлаб «ўлжа»ни Китоб туманида истиқомат қилувчи Соҳиб деган таниш-ларига пулламоқчи бўлишади. Савдо пишмагач, Зокирникига қараб йўл олишади ва ҳовлиси яқинидаги боққа боғлаб қўйишади. Аммо уйдагилар бу ўғирлик мол эканлигини билгач, «Қаердан олиб келган бўлсаларинг, ўша ерга олиб бориб, эгасига топширинглар», деб туриб олишади. Шундан сўнг сири ошкор бўлган ўғрилар молни ярим кечаси эгасига топшириб келишдан ўзга чора тополмайдилар. Ўғриларнинг қилмиши фош бўлиб, уларнинг устидан жиноий иш қўзғатилди.

Қашқадарё вилояти, Китоб тумани суди ўғриларнинг содир этган жиноий хатти-ҳаракатларига муносиб баҳо берди. Улар қилган жиноятларига тўла иқрор бўлиб, пушаймонлик билдириб берган кўрсатмаларини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлиги ҳамда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, жазо тайинлашни лозим топди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимизки, ҳар бир кўнгилсиз воқеа-ҳодиса ёки содир этилган жиноий хатти-ҳаракатларни келтириб чиқувчи сабаблари мавжуд. Бунинг асосий сабабларидан бири бекорчилик, ишёқмаслик оқибатидир. Бугунги кунда ҳалол меҳнат билан кун кечириб, танлаган касбидан унумли фойдаланиб, роҳат-фароғат топиш имкониятлари кенг бўлсада, айрим кимсалар осон пул топиш илинжида ҳар хил жиноятга қўл урадилар. Ҳамқишлоқлари, маҳалла-кўй олдида юзларини шувут қилиб, бор обрўларини тўкиб қўядилар.

Зокир Исмоилов илгари ҳам судланиб, уч йил озодликдан маҳрум қилинган бўлса-да, ўзига тегишли хулоса чиқариб олмаган. Фойдали меҳнат билан шуғулланмаган. Икки нафар вояга етмаган фарзандини ҳалол луқма билан боқишни хаёлига келтирмаган. Натижада бу сафар ўғирлик билан қўлга тушиб, яна симтўр ортига боришга мажбур.

Судланувчи Озод Ғаффоров ҳақида ҳам юқоридаги гапларни айтишимиз мумкин. У ҳам бирор-бир жойда ёлчитиб ишламаган. Эндигина йигирма олти ёшни қаршилаган бу йигитчага нима етишмайди дейсиз? У охирги марта жиноят содир этиб, қўлга олингунга қадар Шаҳрисабз ва Китоб тумани судлари ҳукми билан икки марта судланишга улгурган.

«Қозонга яқинлашсанг, қораси юқади», дейдилар. Баҳодир ҳам Зокир ва Озоднинг гапига лаққа учиб, уларнинг жиноий ҳаракатларига шерик бўлган. Қиғир ишнинг оқибати эса кўнгилсизлик билан тугади. Афсуски, бундай қалби сўқир кимсалар ҳамон орамизда учраб туради. Уларга Яратгандан инсофу тавфиқ тилашдан ўзга чорамиз йўқ.

Топганига шукр қилиб, бехавотир яшашга, элулус олдида юзи ёруғ бўлиб юрганга нима етсин!

Даврон АШУРОВ,
Қашқадарё вилояти
Китоб тумани судининг
судьяси

Умри азиз

«МАШЪАЛ»НИНГ МАШЪАЛ МУҲАРРИРИ

Шавкатжонда журналист бўлиш орзуси Ойдин Собирова номидаги мактабда ўқиб юрган пайтларида пайдо бўлган эди. Шу орзу-истак уни пойтахтдаги ёшлар саройининг Холмирза Жалилов раҳбарлигидаги «Ёш мухбирлар» тўгарагига етаклади. Машҳур шоир Аҳмад Дониш айтганидай: «Кимда-ким ўз мақсадига етиш учун жасорат билан интилса, албатта, мақсадига етади. Зотан, кўп тақилла-тилган эшик очилмай қолмайди».

Чиндан ҳам журналист ва ёзувчилар орасига дадил кириб борган ёш ижодкордаги ғайрат-шижоат ва интилиш тезда ўз самарасини кўрсатади. Орадан бир йил ўтар-ўтмай энди ўн тўрт ёшга тўлаётган бу йигитчанинг хабар ва мақолалари газеталарда кўзга ташлана бошлади. Унинг дастлабки мақола ва хабарлари ёшлар газеталари саҳифаларида пайдо бўлган бўлса, бориб-бориб бошқа марказий газеталардан ҳам ўрин олади.

Ўртоқлари орасида «Ёш мухбир» номини олган Шавкатжон оилавий шароит тақозосига кўра саккизинчи синфдан кечки ишчи-ёшлар мактабида ўқишни давом эттириб, кундузи ишлади. 1953 йилнинг 3 августидан Ўзбекистон радиосининг ёшлар учун эшиттиришларида матнлар ўқиб, ўз хабар ва мақолалари билан қатнаша бошлади. Радио уйида унга Ўлмас Умарбеков, Латиф Маҳмудов, Тўра Исмоиловлар чинакам устозлик қилдилар. У бу даргоҳда тўгаракда олган билимларини амалда камолотга етказди. Унинг замондошлари ҳақидаги хабару мақолалари, катта-катта очерклари ва бадиий ижод намуналари ҳаво мавжлари орқали кунора бутун республикага эшиттирилиб турди, марказий газеталар саҳифаларини безади.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистон радиосида «Адолат овози» номли ҳуқуқий эшиттириш ҳаво мавжларига чиқа бошлади. Бир соатлик мазкур эшиттиришни ташкил этишдан мақсад кишиларда ҳуқуқий онг ва маданиятни ривожлантириш баробарида жамиятимизга ёт бўлган иллатларни аёвсиз фош этиш эди. Бу эшиттиришнинг ташаббускори Шавкатжон Ҳамидов таҳририятга таниқли ҳуқуқшуносларни жалб эта олди. Шу боис мавзуси ранг-баранг бўлган бу эшиттиришнинг лавҳалари, суд очерклари, радио фельетони ва ҳуқуққа оид репортажлар тингловчилар томонидан интизорлик билан кутиб олинадиган бўлиб қолди.

Шавкат Ҳамидовнинг ижодий изланишлари маҳсули бўлмиш ҳуқуқий мавзудаги «Оқ теракми, кўк терак», «Ниқобли газандалар», «Қотил келин», «Тунги бозорнинг калити кимда?», «Сиртмоқда узилган жон», «Мурғакнинг қотили ким?», «Зафаржон порахўрми?», «Кўза синдирган азизми?», «Ҳашарчи» сигирлар», «Мурдалар ҳасрати», «Сирли шарпалар», «Тундаги фарёд», «Савдодаги ғавғолар», «Арзномадаги сохта имзолар», «Арпа уни баҳонами?» каби фельетон ва суд очерклари ҳақида радиотингловчилардан келган юзлаб мактублар унинг халққа муносиб хизмат қилаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон радиосида иш бошлаганига 47 йил тўлаётган, «Машъал» бош муҳарририяти ижодий жамоасида ўз ўрнига эга бўлган, садоқатли меҳнати билан ҳурмат-эҳтиром қозонган машъал журналист - ҳамкасбимиз Шавкат Ҳамидовни кўп сонли радиотингловчилар, газетхонлар қаторида биз — «Ҳаёт ва қонун» журнали ҳамда «Инсон ва қонун» газетаси Бирлашган таҳририяти ижодкорлари ҳам муборак 60 ёши билан самимий табриклаймиз. У кишига соғлиқ ва ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

Зайниддин ДЎСТМАТОВ,
«Инсон ва қонун»
мухбири

Суратларда:
журналист Ш. Ҳамидов;
(пастда)"Адолат овози"
номли ҳуқуқий эшиттиришга тайёргарлик пайти.

Тиббиёт

КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Мустақилликни, озодликни, қурилаётган янги ҳуқуқий-демократик, эркин фуқаролик жамиятини ҳушёр туриб, кўз қорачиғидек асраш барча-барчанинг, аввало, ички ишлар идоралари ходимларининг асосий бурчидир. Улар гиёҳвандлик, ўғрилик, наркобизнес, талончилик, умуман ҳар қандай қонунбузишларга нисбатан муросасиз курашмоқдалар. Бунинг учун ички ишлар ходимлари кеча-ю кундуз, ёзнинг иссиғи-ю, қишнинг изғиринида ҳам халқимиз осойишталиги йўлида барча куч-ғайратларини, сиҳат-саломатлигини, қолаверса, ҳаётларини ҳам аямяптилар. Шу ўринда осойишталигимиз посбонларининг сиҳат-саломатликларини муҳофаза қилиш қай аҳволида деган ҳақли савол туғилади.

Мухбиримиз шу савол билан Самарқанд вилоят ички ишлар бошқармаси тиббиёт бўлими бошлиғи, ички хизмат подполковниги Баҳрон Давронович БЕКМУҲАММЕДОВга мурожаат қилди.

- Сўнгги пайтларда жиноятчилик тури ўсишидан қатъий назар ички ишлар ва божхона ходимларнинг ташвишлари кўпайди, ишлари анча оғирлашди. Сурункали, тинимсиз ишлаш улардан мустаҳкам соғлиқ, жиддий чиниқиш, доимий шуғулланиш, қисқаси, ўз касб вазифаларига янада қатъийроқ масъулият билан ёндашишни тақозо этмоқда. Ички ишлар идоралари ходимларини ва уларнинг оила аъзолари ҳамда соҳадан нафақага чиққан кишилар саломатлиги муҳофаза қилинади. Малакали тиббий хизмат кўрсатилади.

Милиция ходимларининг вақти-вақти билан дам олишларини яхшилаш мақсадида Давлат автомобил назорати, Кўриқлаш бошқармалари, туман кўриқлаш бўлимлари қошида вақтинчалик ётоқхоналар ташкил этилди. Аптечкалар, зарурий дори-дармонлар билан таъминланди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг буйруғи билан шахсий таркиб тиббий кўрикдан ўтказилади. Жадвал асосида шаҳар ва туманларда бўлиб, милиция ходимларини тиббий назоратдан ўтказаяпмиз. Борди-ю, ходимда касаллик аломатлари сезилса, диспансер назоратига олинади ва дарҳол соғломлаштириш чоралари кўрилади.

«Зарафшон» санаторийси милиция ходимлари ва уларнинг оила аъзолари сиҳат-саломатлигига хизмат қилишга қаратилган. Санаторийда 80 ўринли дам олиш, 30 ўринли даволаш бўлимлари мавжуд. Ходимлар санаторийда физотерапия, игнатерапия ва бошқа тиббий, замонавий усулларда даволаниш имкониятларига эга. Бундан ташқари шахсий таркибнинг етти-саккиз ходими ҳар ойда Ички ишлар вазирлигининг Намангандаги шифохонасида ҳам йўлланма билан бориб, даволаниб келадилар.

Милиция ва божхона тизими сафларига ишга кираётган ёшлар ҳам бизда ҳарбий-тиббий ҳайъатдан ўтадилар. Ҳарбий-тиббий ҳайъат ҳар томонлама етук, соғлом, эл корига, юрт тинчлиги, осойишталигига, қисқаси, юрт ҳимоясига камарбаста бўла оладиган ёшларни танлаб олмоқда.

Кувончлиси шундаки, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида ҳам туб ислоҳотлат ўтказилаётгани, кучли ижтимоий сиёсат юритилаётир. Президентимиз таъбири билан айтганда «Соғлом фуқаролар соғлом жамиятни, келажаги буюк давлатни барпо этадилар».

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

ШЕЪР ЗАВҚИ ЎЧМАСДИР

Учрашув

Куни кеча Тошкент вилоят Педагогика билим юрти мураббий ва талабалари билан шоирларнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Бу унутилмас учрашувда Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов, истеъдодли шоир Икром Отамурод ва Тошкент вилоят Ёзувчилар уюшмаси масъул котиби Маҳмуд Тоировлар иштирок этишди.

Учрашувни билим юртининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича раҳбар муовини Зулфия Иброҳимова қисқача кириш сўзи билан очиб, навбатни билим юрти раҳбари Насиба Камоловага берди. У барчани шеърият байрамига айланиб кетган бу тантана билан қутларкан, ҳар доим педагоглар ҳам, талабалар ҳам ижодкорлар пойи-қадамларига интиқ эканликларини изҳор этди.

Кечада шоирлар завқ-шавқ билан ўқиб берган эҳтиросли шеърлар барчада катта таассурот қолдирди.

Нодира ИЛЁСОВА,
Назокат ДАМИНОВА,
Тошкент Педагогика билим юрти талабалари

ТАФАККУР ГУЛШАНИ

Хотира-қалб ёзувига босилган муҳр.

***

Шуҳрат ҳақиқий бўлса, ўлганни ҳам тирилтиради.



Синовлар арафасида...

НАСЛИМИЗ БАРКАМОЛ БЎЛСА...

Умид

Ҳақиқатан ҳам ўз фарзанди камолини орзу-ҳавас қилмаган ота-она бўлмаса керак. Айнан ана шу орзу-ҳавас, яхши ният бизни ҳаётда қониқиш билан яшашга ва ишлашга даъват этади. Юртбошимиз Ислом Каримов томонидан 2000 йил — Соғлом авлод йили деб эълон қилинганлиги халқимиз кўнглидаги айни муддао бўлди. Бу — Ўзбекистон деган буюк Ватанимизнинг, қудратли давлатимизнинг тақдири ҳақидаги ғамхўрликнинг яққол ифодасидир.

Жамоаларимизнинг, фуқароларимизнинг бу борадаги фаолияти, ташаббускорлиги ва ҳаётдаги ўрни қонун билан мустаҳкамланган. Шунинг учун ҳам Оила Кодексининг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикасида оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясида» деб ёзиб қўйилган. Дарҳақиқат, бугун биз мустақил давлатимизнинг ўз фуқаролари ҳақида беқиёс ғамхўрликни сезиб турибмиз.

Хўш, бу ғамхўрлик, катта эркинлик ва имтиёзларга амалда қандай муносабатда бўлинаяпти, фуқаро ва жамоаларимиз ҳукуматимизнинг оила ҳақидаги одилона сиёсатини амалда қанчалик қўллаб-қувватлаяпти, деган савол туғилиши табиий.

Агар биз соғлом авлод — ўз наслимизнинг поклиги, ҳар томонлама баркамоллигини буюк мақсадимиз деб ҳисобласак, бу сўзсиз ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро зиммасига катта ва шарафли масъулият юклайди. Буни ҳис қилган ўнлаб-юзлаб оилаларда оилавий муносабатлар миллий мафкура асосида шаклланган бўлиб, уларда кўпчилик ҳавас қилса арзийдиган фарзандлар тарбияланиб вояга етмоқда.

Мустабидлик тузумидан халос бўлган ўспиринларимиз, ёшларимиз энди дунё зиёлилари билан баҳсма-баҳс жаҳоннинг турли минтақаларида ўқиб-ўрганиб, муносиб ворис бўлиб етишмоқда.

Бугунги кунда миллий қадриятларимизни ўз ўрнига қўйиб, ота-боболаримиз анъаналарини давом эттираётган тадбиркорларимизнинг учдан икки қисмини ёшлар ташкил этмоқда. Буни мустақиллигимиз - истиқлолимиз шарофати десак хато бўлмайди.

Ҳозирда биргина Урганч туманидан беш юзга яқин ёшлар олий ва ўрта махсус ўқув даргоҳларида таҳсил олмоқдалар. 1800 дан зиёд йигит ва қизлар касб-ҳунар ўрганиб, турмушимиз фаровонлигини оширишга ўз ҳиссаларини қўшаяптилар.

Бундай натижалар оилалар ҳамда жамоаларда олиб борилаётган тарбиявий-ташкилий тадбирларнинг муносиб самарасидир. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, оилавий муносабатларни миллий мафкура ва амалдаги қонунларимиз асосида шакллантириш жамиятимиз ва келажагимиз тақдирини ҳал қилишда асосий мезон ҳисобланади. Баъзи ҳолларда бу масалага юзаки қараш ёмон оқибатларга олиб келмоқда. Оиланинг шаклланишида ташвишли аҳвол юз бераяпти. Ҳали эски қарашлардан халос бўлмаган ота-оналар ўз фарзандларини «Кўзим очиқлигида, имкон борида бошини икки қилсам, уй-жой қуриб берсам...» ва ҳоказо мулоҳазалар билан ноўрин турмуш ташвишларига олиб кирмоқдалар. Турмушга тайёр бўлмаган, унинг машаққат ва масъулиятини ҳис этишга улгурмаган йигит-қизлар никоҳдан сўнг қисқа вақт ичида ажрашиб кетиши, баъзан ёш гўдакларнинг тирик етимга айланиши ачинарли ҳол бўлиб қолмоқда.

Мен оддий фуқаро ҳамда ҳуқуқшунос сифатида оилавий муносабатларни аввало қонун устуворлигига суянган ҳолда, қолаверса, миллий қадриятлар асосида шакллантириш зарур деб ҳисоблайман. Никоҳ ёшини 17-18 эмас, 22-23 деб билиш фойдадан холи бўлмайди. Нега деганда, йигит ва қизлар айнан шу ихтисосликка, касб-ҳунарга эга бўладилар.

Иккинчидан, бўлажак келин-куёвларни тиббий кўрикдан ўтказишни одат тусига киритишимиз зарур. Негаки, фақат соғлом эр-хотингина соғлом фарзанд кўриши мумкин. Бу борада ёмон илдиз отган қариндошуруғчилик, яқин қариндошлардан оила қуришга ҳеч ҳам рози бўлолмаймиз.

Оилада ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ёки турли хатарли ақидаларга берилиш оила муносабатларини, умуман маънавий покликни бузади.

Кўп оилаларда тўйларни дабдабабозлик билан ўтказиш, фарзандини ўқитиш, ҳунар ўргатиш ўрнига уларга машина ёки данғиллама уйлар иньом қилиш, бошқа хил «совға-салом»ларга кўмиш билан овора бўлишади, боласининг бахти — унинг маънавий ва жисмоний соғломлигида эканини кам ўйлашади. Бундай ва шунга ўхшаш ёмон иллатлардан қанчалик тез халос бўлсак, келажагимиз буюклигига шак-шубҳа қолмайди.

Бу борада Президентимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деган сўзлари ҳар бир ота-она, мураббий учун янада юксак маъно касб этади.

Сайёра МАДРАҲИМОВА,
Урганч туман ФҲДЁ бўлими мудири

Мужда

ЯНГИ АСР БИТИРУВЧИЛАРИ

Ниҳоят илм масканларида ўқувчилар катта ҳаяжон билан кутган сўнгги қўнғироқ байрамлари ҳам ўтди. Битирувчилар бир қувонсалар, бир маъюс тортадилар. Чунки оғир хайрлашув лаҳзалари... Ота-онадек меҳрибон устозлар билан, ўз уйингдек қадрдон бўлиб кетган она мактаб билан тупроқ кўчалар, синфдошларнинг шўх ҳазиллари-ю, ўқитувчиларнинг маъно тўла кўзлари ортда қолади энди.

Тошкент шаҳридаги 115-мактабнинг 11-А синф ўқувчилари сўнгги қўнғироққа бағишлаб ташкил этилган кечани «Янги аср битирувчилари» дея номлашди. Байрамни анъанадан бироз четлаб, «аввалгиларга ўхшамас» тарзида ўтказишди. Барча ўқитувчилар қатори табиийки ота-оналар таклиф этилди. Тадбирда табрик ва дил сўзлари билан биргаликда мактабда ўтган қизиқарли воқеалар ҳам ёдга олинди. Айниқса, бу воқеаларнинг битирувчилар ижросида кулгили саҳна кўринишлари, ҳазил шеър ва қўшиқлар орқали намойиш этилишини барча мамнуният билан кутиб олди.

Кеча сўнггида устоз ва ота-оналар мустақил ҳаёт остонасига қадам қўйган йигит-қизларга оқ йўл тилаб, дуо қилишди. Илоҳо, устозлар дуоси ижобат бўлсин!

Мукаррам ЖАЛИЛОВА

Ўқувчилар ўз жонажон ва қадрдон мактаблари билан хайрлашар эканлар, қалбларидаги ҳаяжон ва юракдаги дил изҳорларини меҳрибон устозларига таъзим ила баён этдилар. Мактабнинг энг шўх, сўзга кирмас ўқувчиси ҳам бугун маъюс тортиб қолган.

Битирувчи ёшларнинг бугун қалблари чексиз орзу-мақсадларга лиммо-лим. Чунки улар бугун бу муқаддас даргоҳда таълим-тарбия олиб, ўз ота-оналаридек жонкуяр ва меҳрибон устозларининг қуёшдек илиқ саховатидан баҳра олиб, турли томонларга парвоз этадилар. Биз эса битирувчиларга оқ йўл тилаб, парвозингиз улкан бўлсин, орзу-мақсадларингиз ҳамроҳингиз бўлсин дея ният қиламиз.

Шавкат АКРОМОВ
олган суратлар

Соғлом авлод орзуси

ЭЛНИНГ БАХТИ ДЕЯ ЁНГАН МАШЪАЛСАН!

(Боши 1-бетда)

Масалан, Ўзбекистон Конституциясининг фавқулодда мақоми, халқчил табиати ва инсонпарвар моҳияти ёш болаларга уларнинг тафаккур тарзига уйғун равишда қуйидаги шеърий сатрлар ёрдамида етказилади:

Шаънингга саф тортар бутун мамлакат,
Туғи деб тенглигу бирлигимизнинг.
Ҳаққа, адолатга этгайсан даъват,
Порлаб боши узра Олий Мажлиснинг.

Қонунлар онаси — донгдор куллиёт,
Юртда сен барҳаёт — ҳурлик барҳаёт!

Элнинг бахти дея ёнган машъалсан,
Йўлин ёритиб ҳар эзгу муроднинг.
Етук низомларга чорлаб яшарсан,
Ёниқ орзусида соғлом авлоднинг.

Қонунлар онаси — боқий куллиёт,
Юртда сен барҳаёт — тинчлик барҳаёт!

«Акел» болалар марказининг, айниқса, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорлиги жиддий самараларга эга. Марказ мазкур жамғарма билан бирга Соғлом авлод Давлат дастурига биноан махсус таълим - соғломлаштириш дастурлари ишлаб чиқишни режалаштирмоқда. Ўрнатилган ўзаро халқаро алоқаларнинг натижаси ўлароқ, «Акел» болалар маркази Англиядаги машҳур Девид Гейм коллежи (Лондон)нинг Ўзбекистондаги расмий вакили ҳисобланади. Шу жажжигина ютуқларни қўлга киритишда марказ фаолларидан Ф.Саидова, Р.Тожиева, С.Мусаева, Д.Муҳаммедова, Е.Зотова каби тажрибали ва малакали мутахассисларнинг алоҳида хизматлари бор.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари тармоғини яратиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1999 йил 24 июндаги Қарорини марказ жамоаси чинакам байрамдай кутиб олди ва унга асосан ўзи фаолият юргизаётган 296-сонли болалар боғчасини хусусийлаштиришга истак билдирди.

Албатта, ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида айрим қийинчилик ва тўсиқларнинг бўлиши табиий. Лекин шу муаммолар қанчалик тўғаноқ бўлмасин, «Акел» болалар маркази ўз дастурларининг қадр топишига ва кўп сонли ота-оналарнинг мадади билан ўз орзуларининг рўёбга чиқишига ишонади. Ва шу ишонч билан навқирон насллар қалбига ўз дастуридан ўрин олган Соғлом авлод қасамёдини сингдиришда давом этади:

Озодлик янглиғ қутлуғ инъомдан
Қароққа сиғмас севинч ёшимиз.
Соғлом авлод деб берилган номдан,
Оқ фотиҳадан кўкда бошимиз!

Муқаддас бурчнинг кўрсатиб кучин,
Жонимиз фидо, Ватан, сен учун!

Иқбол тонгидан шабнамлар ичиб,
Бугун меҳрингга ташна чечакмиз.
Эрта самовий зафарлар қучиб,
Келажагингни яшнатажакмиз!

Муқаддас бурчнинг кўрсатиб кучин,
Жонимиз фидо, Ватан, сен учун!

А.БАҒИРОВ,
Тошкент шаҳар «Акел» болалар марказининг илмий раҳбари, филология фанлари номзоди

Мулоҳаза

ИЙМОНГА ЧОРЛОВЧИ ҚАРОР КЕРАКМИ?

Ҳаддан ошиш, пойга қўйиш, бир-бировини менсимаслик, энг ёмони ёшларнинг дунёқарашини лойқалатиб юбормоқда. Сўнгги пайтларда ўрта мактабларнинг битирувчилари урфга айлантириб юбораётган «битириш», «хайрлашиш кеча»лари деб номланган зиёфатлар тобора бачканалашиб бораётир.

Ёз кунларининг бирида шаҳримиз яқинидаги дарё ёнида машинамизни тўхтатиб, бироз ором олмоқчи бўлдик. Шунда олисроқда қирғоқда бир-бирига сув сепиб ўйнашаётган йигит-қизларга кўзимиз тушди. Уларнинг қийқириқлари авж пардага чиққан эди. Ҳайронлигимни сезган ҳамроҳим изоҳлади:

- Битирувчилар-ку. Аввал «ўтириш» қиладилар, оз-моз кайф қиладилар-да, кейин жуфт-жуфт бўлиб чўмилгани дарёга келишади. Қиз гўё сувда оқиб, чўкиб кетаётгандек кўмак сўраб додлайди. Йигит эса кийим-кечаги билан ўзини дарёга ташлайди. Севгилисини «қутқариб», оёқ-қўлларини муаллақ осилтириб сувдан кўтариб чиқиши шарт. Эвазига қиз ўз халоскорига ўпич беракан...

Субҳоноллоҳ! Агар шу гаплар рост бўлса, айтингчи, биродарлар, биз қаёққа қараб кетаяпмиз, ўзи? Наҳотки, қудратли империянинг тутқунидан озод бўлсагу беҳаё, бешарм урф-одатини мерос қилиб олсак!

Юртбошимиз маънавий юксалиш хусусида ғамхўрлик қилишни биринчи галдаги энг зарур вазифа эканлигини бот-бот, такрор ва такрор таъкидлаётганликларини не учун англаб етмаяпмиз? Нега виждонимиз, оримиз, иймонимиз уйғонмайди? Ёки виждонимизга ҳам жон бахш этгувчи қарор ёки Фармон лозимми?

Чори ШОМУРОДОВ,
Сурхондарё

Муаммо

ҚОҒОЗ ДЕВОР ИСКАНЖАСИДА

Бола ёмон ўқийди. Хўш, бунга ким айбдор - ўқувчими, ўқитувчими? Ота-онами ёки қишлоқ шароити?..

Сўнгги қўнғироқ ўтадиган кун мени 22 йил аввал ўзим ўқиган қадрдон мактабимга таклиф этишди. Учрашув баҳонасида битирувчилар билан суҳбатлашдим. Менга пойтахтда яшаб, ижод қилаётганим боис ёш ҳамқишлоқларим ўзларини қизиқтирган саволларни беришди. Ёшлар билан суҳбатлашар эканман, бу билимлари билан уларнинг олий ўқув юртларига кириб ўқий олишларига кўп ҳам кўзим етмади.

Эсимда, мактабнинг юқори синфларида ўқиб юрганимда мен ҳам муаллимларим ўтадиган дарслардан қониқмасдим. Чунки улар неча йиллардан бери айтиб келаётган бир хилдаги гапларини такрорлашдан нарига ўтишолмасди. Бошқача қилиб айтганда, ўқитувчиларим китобда ёзилган «сут оқ рангда бўлади» деган гапни айтар эди-ю, лекин бунга қатиқ ҳам оқ рангда бўлади, деган фикрни қўшолмасди. Яъни дарсликда ёзилганларини қуруқ такрорлаш билан кифояланарди. Улар романтизм, реализм деган атамаларни қалаштириб ташлашарди-ю, мисол келтиришга ожизлик қилишарди.

Ўзим ҳам бир неча йил мактабда муаллимлик қилдим. Бир куни мактабимизга (беш йил аввалги воқеа) туман халқ таълими бўлимидан икки киши келиб, бошланғич синф ўқитувчиларининг дарсларини кузатдилар. Мактабимизда Ўктамой опа деган аёл энг моҳир педагог эди. Унинг шогирдлари 10-синфни тамомлагунча ҳам аъло ўқиши билан бошқалардан ажралиб туришарди. Ўктамой опанинг маҳоратига ўша икки текширувчи ҳам тан берди. Бироқ улардан бири дафтарига муаллимда қандай қоғозлар бўлиши кераклигини ёзиб олган экан. Шу рўйхатга қараб текширув бошланди. Опа ҳамма қоғозларни йиғмаган экан, кўпроқ иш билан машғул бўлган экан. Шунинг учун у «раҳмат» эмас, аксинча танбеҳ эшитди.

Дарсликдан нарига ўтиши учун ўқитувчи газета-журналлар, китоблар ўқиб, ўз билими ва савиясини ошириши зарур. Лекин у изланмаяпти. Изланишни истайди, аммо имкон тополмаяпти. Биринчи галда ҚОҒОЗБОЗЛИК ҳалал бераяпти унга.

Бизда муаллимга ишонч йўқ. Шунинг учун унга қоғоз тўлдириш мажбурий. Натижада муаллим ўз устида ишлай олмайди. Изланмаган ўқитувчи эса табиийки, ёмон ўқитади.

- Урушда жангчилар шеригига тегадиган ўққа ўзини тутган ҳолда бир жонини минг бир қийноққа солган, - деб ёзади Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Турсуной Содиқова. - Ҳаётда инсонлар бирбирлари учун энг азиз нарсалардан, ҳатто бахтдан кечадилар. Лекин ҳеч қаерга мен шундай мардлик қилдим, деб ёзиб қўймайдилар-ку! Атрофимиздаги қоғоз тўлдиришга мажбур бўлаётганларнинг талай қисми ўшандай мардона ишларга қодир одамлар. Нега уларнинг феълларига раҳна солаяпмиз? Бу ташвишли, ғоят ташвишли.

Барчамизнинг саводхон бўлиб камол топишимизга, оқ-қорани танишимизга энг аввало фидойи касб эгалари - устозларимиз сабабчи бўлишган. Эҳтимол, улар ҳақда танқидий фикр айтмоққа ҳам маънавий ҳаққимиз йўқдир. Лекин куни кеча ўғлимнинг мактабидан юборилган «ҳайфсан» мактуби юқоридаги мақоланинг юзага келишига сабабчи бўлди. (Мақола муаллифини ранжитган ўқитувчининг хатини ўз ҳолича, ўзгаришларсиз эълон қилишга қарор қилдик).

«Ўғлиниз Мураджанниг ўқиши кейнги пойтда ямонлашиб кетти. Аниқса, она тилидан, диктатларда раса хата билан ёзади. Синифда қолмасин деп зурга уч қуйдим».

...Қози муттаҳам бўлса, сен додингни кимга айтасан, деган экан. Хўш, умид билан мактабга жўнатган фарзандингизга устози сийлаб «зурга уч» қўйибди. Лекин кафтдек мактубни 17 та хато билан битган ўзбек тили ўқитувчисининг ўзи қандай баҳога лойиқ?

...Бола ёмон ўқийди. Хўш, ким айбдор? Ота-онами, қишлоқ шароитими ёки қоғоз деворларни қулатолмаётган ўқитувчими? Келинг, биродарлар, биргалашиб бу борада жиддийроқ бош қотирайлик. Фарзандларимизнинг 11 йиллик умри ўтадиган даргоҳда сўнгги қўнғироқ лаҳзаларидаги сўнгги пушаймондан эса фойда йўқ.

Муҳаммаджон МАТАЕВ,
журналист

ЎТДА ЁНМАГАН «ИККИЛАР»

Ана холос!

Ҳаммамизнинг ҳам бошимиздан ўтган. Сўнгги қўнғироқ яқинлашгани сари мактабда ўқув йили давомида олган баҳоларимизни сарҳисоб қила бошлардик. Қани, эрта кун ғалвир сувдан кўтарилганда, ота-онамизнинг, дўст-ёрлар кўзига тик қарай оламизми-йўқми деб.

Яқинда Россия мактабларининг бирида рўй берган воқеа юқоридаги янглиғ фикр-ўйлар ҳозирги ёшларга ҳам унчалик бегона эмас эканлигини кўрсатди. Курск вилояти Золотухин туманидаги ўрта мактаб ўқувчилари бўлмиш икки нафар қиз ўқув йили давомида эришган «муваффақиятлари» ўзларига обрў келтирмаслигини яхши билишган. Шу боис улар ўзаро тил бириктирган ҳолда синф журналини пинҳона олиб, ўрмонда ҳеч ким кўрмайдиган пана жойда уни ёқишади. Аммо...

«Тадбиркор» қизлар оилада нохуш кайфият уйғотиши мумкин бўлган «икки»лардан батамом қутулдик, деб беҳуда қувонишган экан. Синф раҳбари ўқувчиларнинг кундалик дафтарларидаги баҳолар асосида синф журналини қайтадан яна бекаму кўст тиклаб қўя қолди.

ОАВ хабарлари асосида
Нигора ДУШАБОЕВА тайёрлади

Мадҳ

ОРЗУЛАРИ ОСМОН БОЛА

(Иқтидорли ўқувчиларга)

Бу боланинг чақнаб турган кўзларидан айт,
Ҳикматона, ажаб, ўткир сўзларидан айт,
Сеҳр тўла, меҳр тўла юзларидан айт,
Оқ йўл сенга, орзулари осмон бола.

Кўп ўқийди, кўп ёзади, эринмайди,
Лек бекорчи ўйинга кўп берилмайди,
Ўзин мақтаб бирон жойда керилмайди,
Оқ йўл сенга, орзулари осмон бола.

Унда-бунда кўп лаллайиб юрмас саёқ,
Ишқин олган китоб-дафтар, қалам-бўёқ,
Уч синфни тугатди у бир йилдаёқ,
Оқ йўл сенга, орзулари осмон бола.

Вақт топади расм чизиб, шеър ёзмоққа,
Ҳавас билан нигоҳ ташлаб баланд тоққа,
Бел боғлаган чўққиларни забт этмоққа,
Оқ йўл сенга, орзулари осмон бола.

Барча фанни ихлос билан ўрганади,
Ҳайкалчалар ясайин деб тош йўнади,
Унинг қилган ишларидан дил қонади,
Оқ йўл сенга, орзулари осмон бола.

Маҳалла-ю мактабида ўз ўрни бор,
Қойил дейсиз санъатига чалса дутор,
Шоҳмотда-ку, тенгдошларин барин ютар,
Оқ йўл сенга, орзулари осмон бола.

Қирралари очилмоқда ўсган сайин,
Ушалгуси орзулари бешак, тайин,
Иқтидору ғайратингдан айланайин,
Оқ йўл сенга, орзулари осмон бола!

Менглибой МУРОДОВ

ЎЗИМ ҲАМ ХОҲЛАСАМ...

Ойижониси билан дадажониси ишга кетиш олдидан тайинлаб кетганларидек, Кумуш кўча-кўйга чиқмасдан, укачаси билан уйда мазза қилиб ўйнаб ўтирган эди. Ногаҳон телефон жиринглаб қолди. Дарҳол югуриб бориб, трубкани кўтарди. Овозидан дарров таниркан, севиниб кетиб:

- Ассалому алайкум, дадажон, - деди энтикиб.

- Ваалайкум ассалом, қизалоғим, - деди дадаси, - яхши ўтирибсиларми?

Кумуш трубкани қулоғига яқинроқ олиб боракан:

- Раҳмат дадажон. Тўполон қилмасдан ўйнаб ўтирибмиз, - деди булбулнинг хонишидек жарангдор овозда. - Ишдан қайтишингизда музқаймоқ ола келинг.

- Хўп қизим, Худо хоҳласа олиб бораман, - деб дадаси ваъда берди.

- Нима дедиз, - деди Кумуш дадасининг гапларидан кўнгли тўлмай, - яна ўзим ҳам хоҳласам денг...

Боланинг тили ширин

БОҒЛАБ ҚЎЙИНГ

Бир куни Беҳзоднинг тоби қочиб қолганда ойиси рўмол билан бошини боғлаб қўйган эди. Шунда унинг бош оғриғи қолиб, тузалиб кетганди.

Яна бир куни Беҳзод кўчада ўйнаб юрганда, унинг тиши қаттиқ оғриб қолди. Уйга югуриб келди-да, катта рўмол олиб:

- Ойи, тишим оғрияпти, - деди ойисини шоshiриб. - Дарров тишимни боғлаб қўйинг.

Нурмамат АЛМУРОДОВ

Ҳикоя

ҚОРАКЎЗ

Қоракўз дадасини жуда яхши кўрарди. Чунки унинг ҳамма саволларига дадажониси эринмай жавоб берарди.

- Дада, менинг отим нега Қоракўз?

Дадаси қувончдан кўзлари порлаб куларди:

- Сенинг кўзларинг чиройли, ҳам қоп-қора. Шунинг учун сени Қоракўз деб атадим.

- Ҳа-а-а... Мен қачон Лобарга ўхшаб қизил папка кўтариб мактабга бораман?

- Етти ёшга кирганингда мактабга борасан. Унгача ҳали уч йил бор.

- Қанча? - Қоракўз бармоқларини дадасига яқинлаштирди. Дадаси санай бошлади:

- Бир, икки, уч. Шунчадан кейин мактабга борасан.

- Э-э-э... Биттаси қолди-ку?

- Буниси ҳам ўтгандан кейин сен ёзишни, ўқишни ўрганасан.

Қоракўз қувониб кетар, тезроқ ўша куннинг келишини кутарди. Бир куни айвон пештоқидаги уйчага келган икки қалдирғоч чуғур-чуғур қила бошлашди. Қоракўз уларга тикилиб қолди. Сўнг шошибпишиб дадасидан сўради:

- Қушчалар нима деяпти?

Дадаси бироз ўйландида:

- Қоракўзга қувонч-бахт олиб келамиз, дейишаяпти, - деди.

Қизча дўмбоқ қўлчаларини бир-бирига уриб қийқирди.

Шундай яхши дадажониси негадир Қоракўзнинг севимли ойижониси билан кўп уришар, баъзан эса унинг юзига тарсаки тортиб юборарди. Қоракўз бундай пайтларда қўрқиб кетар, ойижонисига маҳкам ёпишиб, кўзларини катта-катта очганича дадасига тикиларди.

- Бўлди! Тўйдим сен билан яшашдан. Нима қилибди юрсам? Арзимайманми? Сенга ўхшаб йил - ўн икки ой касал бўлиб юрайми?.. Э, жонга тегиб кетди-ей, бу вой-войлар...

Кўзларидан дув-дув ёш тўкилаётган ойижониси нима учундир гапирмоқчи бўлган гапини айта олмас, нафаси қисилиб қоларди.

- Майли, мен ҳамма азобга чидайману лекин ўртада Қоракўз бор...

Ойиси зўрға шу гапни айтди-ю, ҳўнграб йиғлаб юборди. Бир пасдан сўнг дадаси катта жомадон кўтариб чиқди. У кетаётиб хўмрайганича:

- Бахтли бўл, энди адашма, оғир, вазмин, ақллисидан топ. Ўзинг истагандай. Қоракўзга алимент тўлайман, - деди.

Ўшанда ойижонисининг узоқ қийналиб йиғлагани Қоракўзнинг ҳамон ёдида. Мана, орадан тўрт йил ўтди. Энди ойиси кўп йиғламас, фақат Қоракўз дадасини суриштирган пайтлари оғир «уф» тортарди.

Эрталаб ойисининг қўшни аёл билан қилган суҳбатини ногоҳ Қоракўз эшитди:

- Ҳар ҳолда Аҳаджон ёмон одам эмас. Оғир, вазмин, ҳамма ишни чуқур ўйлаб қилади. Сизни ҳам, Қоракўзни ҳам авайлашига ишонаман. Қизимга ўгайлик қилади, деб асло куйинманг.

- Қизалоғим дадасини кўп суриштиради. Ота меҳрига зор ўсаяпти. Унинг кўнгли тўлиб ўсиши учун... фақат шунинг учун розиман...

Қоракўз ёзишни ҳам ўрганиб олган. Бугун у бир варақ қоғозга шу сўзларни ёзди: «Тезроқ келинг, дадажон! Мен ёзишни ўргандим. Ойим билан сизни кутаяпмиз». Фақат хатни дадасига қандай юборишни билмай ҳайрон. Ёзувлари устига кўз ёшлари дув-дув тўкилди.

...Айвон пештоқига учиб келган бир жуфт қалдирғоч чуғур-чуғур қила бошлашди.

Салима ҚИЛИЧЕВА

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Элмурод МУТАЛХЎЖАЕВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ
(масъул котиб)
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН»газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-406 Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00

Навбатчи:
А. ОТАБОЕВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
У. ДЎСМАТОВ
Компьютерда матн терувчи:
М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси 5.
Тел: 133-24-41
132-14-18
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.